

Тохир Малик 1946 йили Тошкентда, зиёли оиласида дунёга келган. У ҳам баъзи тенгдошлари каби ўрта мактабни тугатгандан кейин кундузлари курилишда ишлаб, кечкурунлари Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика бўлимида ўқийди. Мактабларда ўқитувчилик килади, нашриётларда хизмат этади. «Ленин учкуни» рўзномасида бўлим бошлиги бўлиб фаолият кўрсатади. Сўнгра Ресдублика радиотелевидение кўмитасида, «Гулистон» тахририятларида ишлади. «Шарк юлдузи» ойномасида масъул котиб, «Ёшлик» ойномасида бош мухаррир ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси котиби бўлиб ҳам хизмат килади.

Тохир Малик биринчи асари 1971 йилда «Хикмат афандининг ўлими» номи билан чоп этилган фантастик кинсаси бўлди. Сўнгра «Захарли губор» (1978) илмий-фантастик асари «Сомон йўли элчилари» (1979), «Чоррахада колган одамлар» (1985), «Калдиргоч» (1987), «Бир кўча, бир кеча» (1988), «Алвидо, болалик» (1989), «Сўнгги ўк» (1990) каби ўнлаб хикоя ва кинсалар тўпламлари чон этилди. У яратган насрий асарлар ўзга носирлардан ўзига хос услуби билан ажралиб туради.

Ёзувчи кўпинча фантастик, илмий-фантастик ва саргузашт йўналишда ёзади. Шу оркали ҳам хаёт, одамлар ва жамият хақида анча кенг мушохада юритади. Шу билан бирга, «Калдиргоч» каби эпик асарлар ҳам яратган. Мазкур кинсада Абдулла Авлоний хаёти ва фаолияти, тарихи, тақдири мисолида 20-йиллар ўзбек зиёлилари синфининг шаклланиши хақида бахс юритади. Шу оркали халкимиз маданият-илмий дунёкараши, курашни умумлаштириб беради. Тохир Малик мохир хикоянавис, кинсанависгина эмас, жамоатчи. журналист ва таржимон сифатида ҳам фаол хизмат килади. Унинг болгар адабиётидан килган таржималари, Эмил Амит, Ахиер Хакимов, Сухроб Мухамедов каби адиблар яратган бир катор хикоя, кинсаларни ўзбек тилига таржимаси кенг ўқувчига тақдим этилган.